

**ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА
ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШ**

Атаниязов Тўлқин Оралбоевич

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси магистранти*

Аннотация: Тезисда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ахборот-таҳлилий таъминлаш масалалари ёритилган. Муаллиф текширишларни ташиқил этишида Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва молия, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда бошқа идоралардан олинадиган маълумотлар базасини шакллантириш механизмини таҳлил қилади. Ахборотларни йиғиш ва тизимли таҳлил қилиш прокурор текширишларининг самарадорлигини ва қонунийлик аҳволига ҳолис баҳо беришни таъминловчи муҳим омил сифатида асослаб берилган.

Калит сўзлар: Прокурор назорати, ахборот-таҳлилий таъминлаш, оналик ва болалик, тиббий қонунчилик, маълумотлар базаси.

Аннотация: В тезисе рассматриваются вопросы информационно-аналитического обеспечения прокурорского надзора за исполнением законодательства об охране здоровья матери и ребенка. Автор анализирует механизмы формирования базы данных на основе информации, полученной от министерств здравоохранения, экономики и финансов, юстиции, внутренних дел и других ведомств. Обосновано, что сбор и системный анализ информации являются ключевыми факторами обеспечения эффективности прокурорских проверок и объективной оценки состояния законности в данной сфере.

Ключевые слова: Прокурорский надзор, информационно-аналитическое обеспечение, материнство и детство, медицинское законодательство, база данных.

Abstract: The thesis examines the issues of information and analytical support for prosecutorial supervision over the implementation of legislation on maternal and child health protection. The author analyzes the mechanisms for forming a database based on information obtained from the ministries of health, economy and finance, justice, internal affairs, and other agencies. It is argued that the collection and systematic analysis of information are crucial factors in ensuring the effectiveness of prosecutorial inspections and providing an objective assessment of the state of legality in this field.

Key words: Prosecutorial supervision, information and analytical support, motherhood and childhood, medical legislation, database.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ахборот-таҳлилий таъминлаш ушбу соҳага доир ахборотларни йиғиш, саралаш, таҳлил қилиш ва қонунийлик аҳволига баҳо бериш бўйича комплекс, мураккаб, кўп босқичли жараён саналади. Профессор Б.Пўлатовнинг таъкидлашича, текширишларнинг самарадорлиги уни ўтказиш юзасидан амалга оширилган ишларнинг ташкилий даражасига, текширишга тегишли масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи актларни билиш даражасига, методик адабиётлар ҳақида тўлиқ ва ҳар томонлама тасаввурга эга бўлишга боғлиқдир[1].

Мазкур ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга ошириш оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунийлик аҳволига баҳо бериш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш, текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини ҳамда натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ахборот-таҳлилий таъминлаш жараёнида қуйидаги маълумотлар базаси шакллантирилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ) ва унинг қўйи тизимидан олинadиган маълумотлар:

– “Оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар” дастури ижросига доир маълумотлар[2]⁴;

– “2023-2027 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш” дастури ижросига доир маълумотлар[3]⁵;

– “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури ижросига доир маълумотлар[4]⁶;

– оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги клиник стандартлар, ташхис ва даволаш стандартларига доир маълумотлар;

– республика ва маҳаллий бюджетлардан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар, хайрия, грант ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисида маълумотлар;

– туғруқ муассасаларининг юкламалари, улардаги ўрин фондига доир маълумотлар;

– туғруқ муассасаларининг перинатал стационар ёрдам кўрсатиш даражасига доир маълумотлар;



- маҳаллаларда ҳар бир репродуктив ёшдаги аёлни “Аёллар маслаҳатхоналари” ва “Ўсмир қизлар марказлари” томонидан хизмат кўрсатилиши бўйича қамраб олинishiга доир маълумотлар;
- перинатал марказлар биноларини белгиланган талаблар асосида таъмирлаш ва жиҳозлашга доир маълумотлар;
- туғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси аҳволига доир маълумотлар;
- туғруқ муассасаларининг майдонига доир маълумотлар;
- гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир қонунчилик меъёрларининг тўлиқ ижросини таъминлаш ҳамда мазкур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларни қондиришга қаратилган дастур ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳволига доир маълумотлар;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ижросига доир маълумотлар;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишига доир маълумотлар;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмига доир маълумотлар;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш аҳволига доир маълумотлар (*туғруқ комплекслари ва педиатрия бўлимларининг тор соҳа мутахассислари: неонатолог, реаниматолог, акушер-гинеколог билан таъминланганлик ҳолати*);
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга ҳамда репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга доир чора-тадбирлар ижросига доир маълумотлар;
- репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан ўтказилган тушунтириш ишларига доир маълумотлар;
- ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш, кафолатланган хизматларга доир маълумотлар;
- ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўлловчи тиббиёт ташкилотларининг фаолиятига доир маълумотлар;
- оналар, гўдаклар (1 ёшгача) ва болалар (5 ёшгача) ўлими кўрсаткичлари, уларнинг сабаблари (тиббий хато, кеч мурожаат, тизимли камчилик) бўйича таҳлилий маълумотномалар;
- вояга етмаган қизлар орасида туғруқлар сонига доир маълумотлар;





– скрининг натижаларига оид ҳисоботлар (*ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларни пренатал ва неонатал скрининг билан қамраб олиш даражаси ва ҳ.к.*);

– дори-дармон воситалари таъминоти (*беуъл тарқатиладиган витаминлар, йод препаратлари ва махсус шифобахш озуқалар*) ҳамда тақсимланишига доир маълумотлар;

– никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўригининг ташкил этилишига оид маълумотлар;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига доир маълумотлар;

– текшириш заруратига қараб бошқа маълумотлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳамда унинг тизимидан олинadиган маълумотлар:

– тиббиёт учун, жумладан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилган бюджет маблағлари, хайрия, грант ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисида маълумотлар;

– дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумотлар;

– тиббий ускуналар, дори воситалари ва бошқа зарурий жиҳозларни харид қилиш бўйича тендер савдоларига доир маълумотлар;

– текшириш заруратига қараб бошқа маълумотлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (ФХДЁ) органларидан олинadиган маълумотлар:

– никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўригига оид маълумотлар (жумладан, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тартибига риоя қилиниши ҳолати ва аниқланган сохта маълумотномалар (агар мавжуд бўлса));

– туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни беришда муддатларга риоя қилиниши ва қайд этилмаган “яширин” туғилишлар бўйича маълумотлар.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олинadиган маълумотлар:

– тегишли ҳудудда “Оналар ва болалар ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар” дастури ижросига доир маълумотлар;

– тегишли ҳудудда “2023-2027 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш” дастури ижросига доир маълумотлар;

– тегишли ҳудудда “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури ижросига доир маълумотлар;

– маҳаллий бюджетдан оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилган бюджет маблағларига доир маълумотлар;

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишига доир маълумотлар;

– фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига доир маълумотлар;

– тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга доир маълумотлар;

– тегишли ҳудуддаги тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган, шу жумладан фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати устидан назорат аҳволи ва самарадорлигига доир маълумотлар;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига доир маълумотлар;

– текшириш заруратига қараб бошқа маълумотлар.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлардан олинadиган маълумотлар:

– тиббиёт, жумладан туғруқ муассасаларида муқаддам ўтказилган текширишлар ва уларнинг натижаларига доир маълумотлар (*текшириш далолатномалари ва ҳ.к.*);

– юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига доир маълумотлар.

6. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан олинadиган маълумотлар:

– туғруқ муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ инфекцияларнинг қайд этилиши ва улар бўйича ўтказилган эпидемиологик текширув натижалари;

– болаларнинг миллий эмлаш календари асосида вакцинация билан қамраб олиниши ва вакциналарнинг сақланиш (совуқлик занжири) шароитларига оид маълумотлар;

– (0020-22-сон САНҚВАН) “Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, куриш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари” ижроси бўйича ўтказилган текширишлар ва уларнинг натижаларига оид маълумотлар;

– (0048-24-сон САНҚВАН) “Тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ инфекциялар профилактикасига қўйилadиган санитария-гигиена ва эпидемиологик талаблар” ижроси бўйича ўтказилган текширишлар ва уларнинг натижаларига оид маълумотлар;

– (0017-24-сон САНҚВАН) “Даволаш-профилактика муассасаларида тиббий чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва зарарсизлантиришга қўйилadиган санитария-гигиена талаблари”га ижросига устидан ўтказилган текширишлар ва уларнинг натижаларига оид маълумотлар.



8. *Статистика органларидан олинadиган маълумотлар:*

- демографик кўрсаткичлар (*туғилиш, ўлим ва касалланиш динамикаси бўйича ҳудудлар кесимидаги солиштирма статистикаси*);
- соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари;
- соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари;
- ногиронлик статистикаси (*болалар ўртасида туғма нуқсонлар ва сурункали касалликлар сабабли ногиронликнинг шаклланиши*).

Юқоридаги қайд этилган статистик ва бошқа маълумотлар йиғилгач, улар масъул ходим томонидан чуқур таҳлил қилиниши ва таҳлил натижасига кўра прокурор назорати тадбири режалаштирилиши лозим бўлади.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда ахборот-таҳлилий таъминлаш мураккаб ва кўп босқичли жараён бўлиб, назорат тадбирларининг самарадорлигини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, текширишларнинг натижадорлиги прокурорнинг соҳавий меъёрий ҳужжатларни билиш даражаси ва методик адабиётлардан хабардорлигига бевосита боғлиқдир. Тўпланган маълумотлар, жумладан, оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари, скрининг натижалари ва дори-дармон таъминотининг таҳлили соҳадаги тизимли камчиликларни ва тиббий хатоларни барвақт аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, статистик маълумотлар ва аввалги текшириш натижаларини чуқур ўрганиш прокурор назорати тадбирларини юзаки эмас, балки аниқ муаммоли нуқталарга (риск-таҳлил асосида) йўналтирган ҳолда режалаштиришга хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати /Дарслик. Т.: “Ҳуқуқ ва бурч”, 2008. – Б. 121.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-296-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.09.2023 й., 07/23/296/0687-сон;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 сентябрдаги “Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-296-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.09.2023 й., 07/23/296/0687-сон;



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-185-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.05.2025 й., 07/25/185/0461-сон; 05.11.2025 й., 07/25/331/1014-сон.

